

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021-2022 йилларга мўлжалланган
коррупцияга қарши курашиш
ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
I. Аҳолининг ва божхона ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тизимда коррупцияга нисбаган мурасасиз муносабатни шакллантириш				
1.	Коррупция давлат ва жамият тараққиёти учун энг жиддий хавф - хатарлардан бири эканлигини аҳоли ва давлат хизматчилари онгига сингдириш.	Давлат органлари матбуот хизматлари томонидан аҳоли ва божхона органлари ходимлари ўртасида: коррупцияга қарши курашиш асослари ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилловчи норматив-ҳуқуқий асослар билан таништириш ишларини олиб бориш; коррупциянинг жамият ва давлат учун ижтимоий хавфли хусусиятлари ва оқибатларини кенг тарғиб қилиш; давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш бўйича комплекс чора тадбирларни амалга ошириш.	2021 йил II-ярим йиллиги ва 2022 йил давомида	Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармаси, худудий божхона бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Миллий кинология маркази, Божхона институти
2.	Божхона органларида коррупцияга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш ва бажариш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш юзасидан мақсадли тадбирларни амалга ошириш: божхона органлари билан ўзаро муносабатлар ва қайта алоқани мустаҳкамлаш механизмларини кучайтириш, ижтимоий шериклик доирасида божхона органлари фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини жалб этишнинг шаффоф ва объектив мезонларига асосланган механизмларни белгилаш.	Божхона органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш, шунингдек бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш. Бу борада мақсадли чора-тадбирларни келишиб олиш ва ижросини таъминлаш. Коррупцияга нисбаган мурасасиз муносабатни шакллантириш борасида божхона органларининг нодавлат ногижора ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари билан ижтимоий шерикчилик	2021 йил II-ярим йиллиги ва 2022 йил давомида	ДБҚ Коррупцияга қарши курашиш комиссияси, худудий коррупцияга қарши курашиш комиссиялари

		<p>самарадорлиги юзасидан конференция, семинар, давра суҳбатлари ташкил этиш, божхона органларида коррупцион ҳолатни аниқлаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш ва улар бўйича кўрсатувлар тайёрлаш, шунингдек тафсилотларини ДБҚ веб-сайтининг “Коррупцияга қарши курашиш” рукни орқали кенг жамоатчиликка ҳавола қилиб бориш.</p>		
3.	<p>Божхона органи ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказиб бориш.</p>	<p>Фуқаролар ҳамда божхона органи ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини тренинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш йўли билан тушунтириб бориш.</p>	<p>Ҳар чоракда</p>	<p>ДБҚ Коррупцияга қарши курашиш комиссияси, худудий коррупцияга қарши курашиш комиссиялари</p>
4.	<p>Божхона органлари билан жамоатчилик, нодавлат ташкилотлари ўртасида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали божхона органларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш.</p>	<p>Коррупциянинг хавф-хатарларини чуқур таҳлил қилиш, божхона ходимлари ва аҳолини ушбу иллаг ва унинг оқибатларидан хабардор қилиш мақсадида манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирларни ўтказиш.</p> <p>Коррупцияга оид муаммоларни ўрганишда божхона органларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг оналари ва яқин қариндошлари иштирокида учрашувлар ташкил этиш, уларнинг иштирокида аноним сўровномалар ўтказиш, ходимларнинг яшаш жойлари, яшаш шaroитларини ўрганиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p>	<p>Ҳар чоракда</p>	<p>ДБҚ Коррупцияга қарши курашиш комиссияси, худудий коррупцияга қарши курашиш комиссиялари</p>

5.	“9-декабрь Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунини” муносабати билан божхона органларида “очик эшиклар кунини” тадбирини ўтказиш.	“9-декабрь Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунини” муносабати билан божхона органларида “очик эшиклар кунини” тадбирини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ушбу тадбирни юқори савияда ўтказиш.	2021 йил 25 декабрь	ДБҚ Коррупцияга қарши курашиш комиссияси, худудий коррупцияга қарши курашиш комиссиялари
6.	Давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини доимий ошириб бориш амалиётини йўлга қўйиш.	Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиаллари негизида “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида божхона органларнинг коррупцияга қарши курашиш тузилмалари ходимларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш.	2022 йил давомида	Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик, Кадрлар бошқармалари
7.	Фуқаролар томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини кенгайтириш.	Фуқароларнинг коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи IT платформани ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш.	2021 йил 28 декабрь	Ахборот-коммуникация технологиялари, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармалари
8.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка тизимли равишда етказиб бориш.	Ўзбек, рус ва инглиз тилларида божхона органларида коррупцияга қарши курашиш йўналишида мақолаларни ДБҚнинг интернетдаги расмий веб сайтыда эълон қилиб бориш.	Ҳар чоракда	ДБҚ Коррупцияга қарши курашиш комиссияси, худудий коррупцияга қарши курашиш комиссиялари
9.	Коррупцияга қарши муросасиз курашиш борасидаги ишларни жамоатчиликка етказиб бориш амалиётини йўлга қўйиш.	ОАВ ва ижтимоий тармоқларда турли форматлардаги эшитириш, кўрсатув, мақолалар ва бошқа ахборот материалларини эълон қилиш.	Аниқланган ҳолат бўйича	Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармаси, Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими

10.	Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича тизимли ва манзилли тадбирларни амалга ошириш.	Божхона институти курсантларига коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш.	2021 йил II-қрим йиллиги ва 2022 йил давомида	Божхона институти, Кадрлар, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармалари
II. Коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш				
11.	Давлат фуқаролик хизматида очик танлов асосида ишга қабул қилиш ҳамда ходимларнинг касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматлари (меритократия тамойили) асосида хизмат поғоналарида кутарилиши, давлат хизматчиларини ижтимоий Ҳимоя қилишнинг шаффоф механизмларини жорий этиш ҳамда уларнинг аниқ вазифаларини белгилаш.	“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини хорижий экспертларнинг тавсиялари ва кенг жамоатчилик фикри асосида такомиллаштириш ҳамда уни амалга ошириш бўйича қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш. Мазкур қабул норма асосида очик танлов асосида ишга қабул қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш ходимларнинг касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматлари асосида хизмат поғоналарида кутарилиши, божхона органлари ходимларини ижтимоий Ҳимоя қилишнинг шаффоф механизмларини жорий этиш ҳамда уларнинг аниқ вазифаларини белгилаш.	2021 йил 30 сентябрь	Кадрлар, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармалари
12.	Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиш.	Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда асосланган таклиф ва тавсиялар билан иштирок этиш. Тасдиқланган кодекс доирасида божхона хизмати ходимининг одоб-ахлоқ кодексининг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2021 йил 30 сентябрь Кодекс лойиҳаси тасдиқлангандан сўнг.	Кадрлар, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармалари, ҳудудий божхона бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Миллий кинология маркази, Божхона институти

13.	<p>Давлаг хизмагчилари, шу жумладан давлат улуши 50 фонддан юқори бўлган ташкилотлар, давлаг корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.</p>	<p>“Давлаг хизмагчиларининг даромадларини ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишида асосли таклиф ва мулоҳазалар билан иштирок этиш.</p> <p>Қабул қилинган Қонунга мувофиқ божхона хизмати органларида даромадлар ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизимини жорий этиш.</p>	<p>2021 йил 30 сентябрь</p> <p>Қонун тасдиқлангандан сўнг</p>	<p>Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик, Кадрлар, Ахборот-коммуникация технологиялари, худудий божхона бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Миллий кинология маркази, Божхона институти</p>
14.	<p>Даромадлар ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базасини юритишни йўлга қўйиш.</p>	<p>Даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, уларни қайта ишлаш ва текшириш бўйича ишлаб чиқилган электрон ахборот тизимини божхона органларнинг маълумотлар базалари билан интеграция қилиш.</p>	<p>2022 йил 25 декабрь</p>	<p>Ахборот-коммуникация технологиялари, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармалари</p>
15.	<p>Давлаг хизмагчида суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш.</p>	<p>Давлаг органлари ва ташкилотлари кадрлар билан ишлаш, хўжалик ишлари, молия-иқтисод бўлимлари ва назорат функциясига эга тузилмалар раҳбарларини муайян муддатда ротация қилиш ҳамда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича қўшимча механизмларни жорий этиш юзасидан ишлаб чиқилаётган лойиҳалар муҳокамасида фаол иштирок этиш.</p> <p>Бунда ротация қилинган ходимларнинг кучиб ўтиш ва уй-жой олиш (ижарага олиш) билан боғлиқ харажатларини қоплаш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш.</p>	<p>2021 йил 25 сентябрь</p>	<p>Кадрлар, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик, Моддий-техник таъминоти ва капитал қўрилиш, Молия иқтисодиёт, Юридик бошқармалари</p>

III Давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш				
16.	Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш.	“Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, давлат харидлари, солиқ имтиёзлари, ер ажратиш, давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик учун жавобгарликни ўрнатишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда асосланган таклиф билан фаол иштирок этиш. Қабул қилинган қонун нормалари асосида божхона органларида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича механизмлар ишлаб чиқиш.	2022 йил 30 январь	Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик, Кадрлар, Юридик бошқармалари
17.	Охирги бенефициарга оид маълумотларни олиш тартибини такомиллаштириш.	Бенефициарлар реестрини юритиш амалиётини йўлга қўйиш бўйича механизмни ишлаб чиқишда таклиф ва мулоҳазалар билан иштирок этиш.	Лойиҳа муҳокамага келиб тушганда	Моддий-техник таъминоти ва капитал қўрилиш, Молия иқтисодиёт бошқармалари
18.	Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида шикоятларни электрон шаклда тақдим қилиш имкониятини яратиш.	Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида мурожаатларни электрон шаклда тақдим қилиш имконини берувчи саҳифа яратиш ва шикоятларни тўғридан-тўғри Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга юбориш механизмларини жорий этиш.	2022 йил 20 январь	Моддий-техник таъминоти ва капитал қўрилиш, Молия-иқтисодиёт бошқармалари
19.	Қонунчиликка давлат хизматида қабул қилиш ва унда фаолият олиб боришда қариндош-уруғчилик ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган нормаларни киритиш.	Мехнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини муҳокамаида иштирок этиш. Лойиҳалар юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.	2021 йил 25 декабрь	Кадрлар, Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик, Юридик бошқармалари

	Қонун нормасидан келиб чиқиб божхона органларининг ички норматив-хуқуқий ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш.	Қонун тасдиқлангандан сўнг	
IV Коррупцияга қарши курашиш тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш			
20.	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари самарали фаолиятини ташкил этиш.	Божхона хизмати органларининг коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик тузилмарининг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ташкилий тузилмаларини қайта куриб чиқиб, уларни такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик, Кадрлар, Юридик бошқармалари
21.	Ўзбекистан Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.	Ўзбекистан Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқишда божхона хизмати органлари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш.	Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармаси
V. Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш			
22.	Коррупцияга қарши қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси айрим нормаларини имплементация қилиш.	Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш; коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасига кучайтириш; даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноконуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш; коррупцияга оид жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиний жазони ўташда енгиллаштирувчи нормаларни қўллашга чеклов белгилаш каби лойиҳалар юзасидан асослангандан тақлифларни Бош прокуратурага юбориш.	Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик, Кадрлар, Юридик бошқармалари

23.	<p>Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>Тўртинчи раунд натижалари бўйича Ўзбекистонга берилган тавсияларни таҳлил қилиб, уларни амалга ошириш. Раунд натижаларини амалга оширилишини ҳар чораклик мониторингини амалга ошириш. 2021-2022 йилларда бешинчи раунд мониторинги амалга оширилиши бўйича ишлаб чиқилиши режалаштирилган амалий ҳаракатлар дастурида иштирок этиш.</p>	2022 йил 4-чорак	Коррупцияга қарши курашиш ва ўз хавфсизлик бошқармаси
-----	---	---	---------------------	---